

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 54 (5645)

5 МАРТ 1985 й.

СЕШАНБА

Газета 1986 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. Баҳоси 3 тейин.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ЖАНГОВАРЛИК — ИШИМИЗНИНГ БОШ МЕЗОНИ

КЕЧА ТОШКЕНТДАГИ САНАТ САРОИДА БОШЛАНГИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИ СЕКРЕТАРЛАРИНИНГ СЕМИНАРИ ИШ БОШЛАДИ.

Кеча Тошкентда бошлангич партия ташкилотлари секретарианинг семинари ўз ишын бошлади. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Р. Х. Абдуллаева «КПСС Марказий Комитетининг июнь (1983 йил) Пленуми, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми қарорлари асосида идеологик, оммавий-сиёсий ишларни янада кучайтириш тўғрисида» доклад қилди.

Умаров «Партия ва давлат иттифоқини янада мустаҳкамлаш бўйича КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ К. У. Черненконинг қўрсатмаларини ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми қарорларини бажариш юзасидан бошлангич партия ташкилотларининг ташкилотчилик ва сиёсий ишларни кучайтириш тўғрисида» доклад қилди. Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг иккинчи секретари К. П. Дудин ўз докладыда бошлангич партия ташкилотлари жанговарлигини ошириш ва ташкилий-партиявий ишларни тақомиллаштириш вазифаларига тўхталиб ўтди.

Семинар ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ташкилий-партиявий ишлар бўлимининг мудири П. В. Догонкин, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг масъул ходими Б. В. Ефремов, Ўзбекистон Компартияси Тошкент бўлими бошқармалари биринчи секретари Т. А. Алимов, Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети бюроси аъзолари иштирок этдилар.

Семинар қатнашчилари «Ўз хизмат бурчини бажариш, жамоат ишидаги иштироки, КПСС Устави талабига риоя қилиш тўғрисида коммунист-раҳбарнинг ҳисоботи» деган куш тартибда партия йиғилиши амалий машғулотларини ўтказишда қатнашдилар.

КПСС Марказий Комитетида иттифоқдош республикалар маҳаллий саннат министрлари ҳамда республикалар Компартиялари Марказий Комитетлари енгил саннат ва ҳақиқий истеъмол моллари бўлими мудириларининг кенгаши бўлиб ўтди. КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. У. Черненконинг КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси мажлисида 1984 йил 15 ноябрда сўзлаган нутқида баён этилган қонда ва ҳудосалар асосида енгил саннат корхоналарида истеъмол моллари ишлаб чиқаришни янада кўпайтириш ва сифатини яхшилаш, 1985 йилги планларни ва умуман беш йилликни муваффақиятли бажариш вазифаларини муҳофаза қилинди.

4 март куни иттифоқдош ва автоном республикалар ички ишлар министрларининг ўлка ва область ички ишлар комитетлари ички ишлар бошқармалари, транспортдаги ички ишлар бошқармалари, СССР Ички ишлар министрлиги системасидаги ички қўшиллар бошқармалари, ўқув юртлири бошқармалари ҳамда сиёсий бўлимлар бошқармаларининг Бутуниттифоқ кенгаши бўлди. Кенгашида 1983—84 йиллардаги иш якуналари муҳофаза этилди.

Коммунистик идеаллар совет ёшлари учун ҳаёт компаси бўлиб қолди. Оталар ва болалар ана шу коммунистик идеаллар учун эски дунёга штурм қилишга отландилар, граждон ва Ватан урушлари фронтларида жанг қилдилар, беш йиллик қурилишларида фидокорона ишладилар. 1 март куни Тошкентда бошлангич революцион, жанговар ва меҳнат шон-шухрати жойлари бўлиб Бутуниттифоқ юрчилик қатнашчиларининг республика сўзлаш шу ҳақда таърифи. Ёш айтиларарларнинг 2,5 миллион кишилик армияси вакиллари В. И. Ленин ҳайкали ёнига ва Номангун солдат қабрига гулчамбарлар қўйдилар.

КПСС XXVII съезди ва Буюк Ғалабанинг 40 йиллиги шарафига



• ҚИЗИЛ БАЙРОҚЛИ КОЛЛЕКТИВЛАРДА Меҳнатга яраша—шон-шараф

Тошкентдаги «Подъёмник» ишлаб чиқариш бирлашмасининг коллективни Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида эришган юксак натижалари, 1984 йилги СССРни иттифоқдаги ва социал ривожлантириш давлат планини муваффақиятли бажарганини унун КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўмаки билан мукофотлаб, СССР Халқ Хўжалиги Ютуқлари Виставкасида Бутуниттифоқ Хўрмат тахтасига ёзди.



М. Нуриддинов фотолари.

ЯГОНА НАРЯД БИЛАН

«Ўзбектекстильмаш» бирлашмасининг бош заводидан Р. Маалонов бригадаси ишлаб чиқариш графикадан икки йил ўзиб кетди. Бу коллектив корхонада биринчилардан бўлиб ягона наряд билан ишлаб болади. Ҳар бир кишининг ишига меҳнатда қатнашиш коэффициенти хисобга олган ҳолда баҳо бериш коллективдаги ўзаро муносабатларни ўзгартириб юборди. Ишчилар турдош касбларни кўпроқ ўзлаштира бошладилар. Меҳнат ва технология иттифоқи мустаҳкамланди. Бригада беш йиллик плани уч ярим йилда урдалаганлиги ҳам бекиз эмас. У ҳозир ҳам зарбдор маромини сақлаб турибди. Илгор коллектив КПСС XXVII съездини муносиб кутиб олишга тайёрланаётган, йиллик тошириқни сентябрдаёқ бажаришга сўз берди.

ДАҚИҚАЛАР ҚАДРИГА ЕТИБ

Тошкент шаҳар қурилиш Бош бошқармасига қарашли 3-трестнинг 16-қурилиш бошқармасида меҳнат қилаётган Пулат Курбонов бошлиқ комплекслашган бригада аъзолари Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига ҳақдор ярим йиллик плани бажаришга аҳд қилдилар.

БУГУН

илгор бригада Салорсуви тозалаш канализация ишотида қурилишда графикадан эриш ай илгарилан кетди. Ўзаро меҳнат беллашувида бригаданинг Р. Мирзахов, А. Ҳошимов каби пешқадам қурувчилари қарвон-бошлиқ қилмоқдалар. Қурувчилар ягона наряд асосида ишлаш, вақтини зичлаштириш, кичик механизация воситаларидан унумли фойдаланиш туғайли вақтдан ўзиб ишлашга муваффақ бўлишлар.

20 АПРЕЛЬ - Ленинча коммунистик шанбалик

Тошкентдаги бадий буюмлар фабрикасида беш йиллик илгорлари сафи ой сайин кенгайиб боряпти. Корхонанинг цехлараро социалистик мусобақасида Машҳура Мирзодинова бошчилик қилган комсомол-иллар бригадаси жасорат кўрсатяпти. Буюк Ғалабанинг 40 йиллиги шарафига зарбдор вахта туриб ишлаётган бу коллектив февраль ойи планини 199 процент бажарди. Бригаданинг меҳнат кален-

ХИММАТ

ларида 1986 йил зарварий очилган. Бригада аъзолари Н. Хонгараева, М. Мусаева, С. Мақсудова, М. Зияева ва бошқалар зарбдорчасига меҳнат қилишяпти. Корхонанинг III Рашидова бошлиқ бригадаси, коммунистлардан А. Музаффарова, Ш. Қорабоева, М. Аҳмадхонова, Ш. Эргашева, Н. Ставцева сингари ишчилари ҳам меҳнат жасоратини кўрсатиш-

МОНГУ ГАЗЕТАЛАРГА

КПСС Марказий Комитетида иттифоқдош республикалар маҳаллий саннат министрлари ҳамда республикалар Компартиялари Марказий Комитетлари енгил саннат ва ҳақиқий истеъмол моллари бўлими мудириларининг кенгаши бўлиб ўтди. КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. У. Черненконинг КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси мажлисида 1984 йил 15 ноябрда сўзлаган нутқида баён этилган қонда ва ҳудосалар асосида енгил саннат корхона-

ЯНГИ ХИБОНЛАР

Шу кунларда метронинг «Номосомол» станцияси ёнидан ўтиб қолсангиз йўлсозларнинг кўчага асфальт ётқи-зиш вақтининг шоҳиди бўласиз. Бироз пастроқда Байналинал кўчасида эса Чилонзор ободонлаштириш бошқармаси ишчилари олиб ташланган трамвай излари ўрнини ободонлаштириб, буталарни ўтказишмоқда. Шу кунгача бу ерга 3200 туп барпо қилинмоқда.

Халқа йўлидаги 6-автобаза тўғрисида ҳадемай ишга тушириладеган янги трамвай маршрутнинг охири бекати жойлашди. Бу ерда ҳам ободонлаштириш ишлари олиб бориляпти, қўллар мева-ли дарахт кўчалари ўтказишмоқда. Чилонзор кўчасида таққил этилган янги хибонга 5 минг туп яшил тўқ-қўтказилди. Шу кунгача Чилонзор район ободонлаштириш бошқармаси ишчиларининг кучи билан район кўчалари ва хибонларга 2.500 туп мева-ли дарахт ўтказилди. Район меҳнаткашлари икки ойликда жами 15 минг туп мева-ли дарахт ўтказишди.

КЎЧАЛАРИМИЗ КЎРКИ

Қўйлиқ массивидаги «Чебурашка» болалар боғи бу йил янада кўркамлашди. Ҳозиргача район ободонлаштириш бошқармаси ишчилари боғга 200 туп мева-ли дарахт ўтказишди. Боғ яқинидаги Толари канали ёнида олдинлари ёнида кўп темир гаражлар жойлашган эди. Бугунги кунда ана шу гаражлар олиб ташланиб, 2 гектар майдонда яшил зона барпо қилинмоқда.

Ленин районига бу сафарги икки ойлик давомида учта хибон ташкил этилди. Бешкент кўчасида барпо қилинадиган 2,5 гектарли хибонга район ободончилари томони-

ЎҚУВЧИЛАР ҲАШАРДА

Баҳор фаслида шаҳримиз гулга бурканиб, унинг фойзига фойз қўшилиди. Фрунзе райони меҳнаткашларининг В. И. Ленин туғилган кунининг 115 йиллиги, меҳнаткашларнинг Халқор бирдамлик куну — 1 Май ва Ғалаба байрами шарафига шаҳримизни ободонлаштириш, кў-каламзорлаштириш ва санитария аҳволини яхшилаш бўйича икки ойлик ўтказиш ҳақида ташаббуси Сергей райони меҳнаткашлари томонидан қизгин қўллаб-қувватланди. Район халқ маорифи бўлими «Тошкент гуллари» фирмасидан

ШУ КУНИНГ НАФАСИ

«Узнергомонтаж» трестининг Тошкентдаги 2-монтаж бошқармаси коллектив 2-ўйсозлик комбинатида йирик наеллар қурилишдаги камерани монтаж қилишни илҳомига етказди. Бузиан ташқари Шота Руставели ва Волгоград кўчалари муволишида янги 220 ўрниди ётоқхона бизнес кўдан чиқарилади.

«Союзпрозвнедение» Бутуниттифоқ бирлашмасининг Ўзбекистон филиалида мамлакатимизда тайёрланган ва чет эллардан келтирилган хўжалик, маданий, машиини молларнинг қўрсатмаси очилди. Бу ерда саннат қўламда ўзлаштириш учун 5 минг маҳсулот намунаси намоиш этилмоқда.

Қизил байроқли Туркистон халқий округининг тарих музейида Улуғ Ватан уруши йилларида Ўрта Осиёда ташкил этилган, 162-Қизил байроқли Новгород-Северск ўнчи дивизиясини ветеранлари билан учрашув бўлиб ўтди. «Жанговар Қизил байроқ билан» мавзусидаги бу учрашувда дивизиянинг собиқ жангчилари ёшларга алангали йиллар ҳақида гапириб бердилар.

Тўқимачилар маданият саройининг ўзбек драма театри коллективни Ғалабанинг 40 йиллигига бағишлаб «Она» спектаклини, «Оптимист» театри эса К. Симоновнинг «Туртичи» асарини сахналаштиришга киришди. Бундан ташқари бадий сўз студияси «Ватан қаердан бошланади» музикали композициясини тайёрламоқда.

Пойтахтимиз кинотеатрларида мамлакатимизда ўтказиладеган Чехослования маданияти ва санъати куллари муносабати билан бадий фильмлар намоиши ўтказилди. Томошабилар диққатига Чехослования кино усталари тайёрлаган «Сўнгги бекат», «Ҳисобланган бахт», «Хатолар ҳафта», «Шу дақиқа, шу фурсат» каби фильмлар намоиш этилди.

Об-ҲАВО Бугун ерталаб соат 11 да Тошкентда 2 даража совуқ бўлди. Бугун кечаси 6 даража совуқ, ертанга кундузи 1-3 даража иссиқ бўлади.

СССР Олий Совети Президиумининг Фармони
Езувчи Н. Сафаровни Ленин ордени билан мукофотлаш тўғрисида

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. ЧЕРНЕНКО.
СССР Олий Совети Президиумининг секретари Т. МЕНТЕШАШВИЛИ.
Москва, Кремль.
1985 йил 4 март.

ХАЛҚ СУДЬЯЛАРИ САЙЛОВИНИ ЎТКАЗУВЧИ РАЙОН САЙЛОВ КОМИССИЯЛАРИНИНГ АХБОРОТИ
ЎРНИ БУШАБ ҚОЛГАН РАЙОН ХАЛҚ СУДЛАРИ ХАЛҚ СУДЛАРИНИНГ САЙЛОВИ НАТИЖАЛАРИ ТЎҒРИСИДА
Абдувоситова Гавҳар Абдуллаева — Акмал Икромов район халқ судьяси.
Назаров Тоҳир Хакиевич — Киров район халқ судьяси.
Вавилина Любовь Евгеньевна — Киров район халқ судьяси.
Сафронова Валентина Варламовна — Собир Раҳимов район халқ судьяси.
Собиров Мухторжон — Октябрь район халқ судьяси.
Тангабоев Абдували Абдураимович — Ҳамза район халқ судьяси.
Сулаймонова Шоира Худойберганова — Ҳамза район халқ судьяси.
РАЙОН САЙЛОВ КОМИССИЯЛАРИ.
И. АБЛАМОВ, ТАСС шарҳчиси.

Шарҳчи сатрлари Кескин мунозаралар

Шу кунларда АҚШ Конгрессида 1 октябрда бошланган 1986 йили давлат бюджетининг ҳужумат тақдим этилган лойиҳаси те-варғида жуда кескин мунозаралар авж олиб кетди. Бу мунозаралар ҳужумат истаганидан бошқача тусда бормоқда. Ҳужуматнинг ҳар-бий харажатларини ре-корд даражага— 322 миллиард долларга ет-казиш тўғрисидаги тақ-лиф сингари «тежаш мақсадида» социал про-граммаларини 34 милли-ард доллар қисқарти-риш режалари ҳам тен-қид қилинмоқда. Шу нарса характерлики, бу танқидда демократик партиядангина эмас, балки ҳужумдор респу-бликачилар партиядан-ла ҳам конгресс аъзолари иштирок этмоқдалар. Республикачиларни ил-бир қанча етакчи намо-андалари ҳам ана шу

МУҲИМ ВАЗИФАЛАРНИ ҲАЛ ЭТИБ

С. М. ЮСУПОВ,

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг секретари, иш самардорлиги ва сифатини ошириш бўйича шаҳар комиссиясининг раиси.

Ишнинг самардорлиги ва сифатини ошириш бўйича шаҳар комиссияси партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг сўнги пленумлари, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI Пленуми қарорларини амалга ошира боғлиқ, эконоимикани янда интенсификациянинг таъминлаш, планлар ва социал-техник мажбуриятларнинг сўзсиз бажарилишини, жамоат ишлаб чиқариши самардорлигини ошириш ва иш сифатини яхшилаш бўйича маълум ишларни қилишти.

Ишлаб чиқариш ва фан-техника имкониятларидан самарали фойдаланиш, ушшоқлик, интентивни ошириш, давлат тошириқларини оз моддий-техник ҳаракатлар билан бажариш, фан-техника тараққийини жадаллаштириш, шартнома мажбуриятлари, тежамкорлик режимида риоя қилиш, чиқиндисиз технологияни жорий этиш масалаларига алоҳида эътибор берилганди.

1984 йилда комиссия мажлисларида Ҳамза, Октябрь, Собир Раҳимов, Куйбисhev, Фрунзе ва Киров районларидаги иш самардорлиги ва сифатини ошириш бўйича комиссияларнинг фаолияти тўғрисида ахборотлар тингланди. энг яхши техника ютуқларини, механизация ва автоматизацияни, ишлаб чиқаришни илмий ташкил этишни жорий қилиш, «А» группасидаги корхоналарда эҳтиёж юқори бўлган буюмлар, ҳалқ истеъмол буюмларини ишлаб чиқариш бўйича тошириқларнинг бажарилиши, олий категориядаги буюмлар ишлаб чиқаришни қўлайлаштириш, илгор тажрибани жорий этиш, хўжалик механизацияни таъминлаштириш ва қўл меҳнатини механизациялаштириш аэвизига сифатини олий категориядаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни қўлайлаштириш, янги автоматик линияларни жорий этиш масалаларини қараб чиқилди.

Бундан ташқари иш самара-

дорлиги ва сифатини ошириш бўйича республика комитетининг тасвирлари хўжалик раҳбарлари, саноат корхоналари партия ташкилотларининг секретарларидан иборат ходимларнинг катта доирасини жалб этиб қараб чиқилди. Барча муҳтомама этилган масалалар бўйича аниқ тавсиялар ва тақлифлар қабул қилинди. Шаҳар комиссияси иш самардорлиги ва сифатини ошириш бўйича район комиссияларига қабул қилинган тавсияларнинг бажарилишини планлаштириш, мувофиқлаштириш ва назорат қилишда аниқ системасини яратишда амалий ёрдам берди.

Шундай қилиб шаҳар, район комиссиялари, кўпгина саноат корхоналари коллективларининг биргаликдаги ҳаракати ҳамда иш самардорлиги ва сифатини ошириш бўйича республика комиссиясининг раҳбарлигида шаҳар индустрияси ўн биринчи беш йилликнинг тўртинчи йили тошириқларини муваффақиятли, адо этишда ижобий силжишларга эришди.

Ҳамза районидagi комиссиянинг корхоналарида ҳалқ учун моллар ишлаб чиқаришни қўлайлаштириш ва уларнинг сифатини яхшилаш бўйича фаолияти ўрганилди ва муҳтомама этилди. Маълум бўлишича, тўғрисида корхона ҳалқ учун моллар ишлаб чиқармас экан, кенг истеъмол буюмлари сифати ёмонлиги ва янгилаб борилаётганлиги, планларнинг бажарилаётганлиги ваби нуқсонлар қайд этилди. Ҳозирги пайтда Ҳамза районидagi 33 корхонанинг ҳаммасида кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқарилади.

Ленин райони саноат корхоналарида бошқаруving автоматик системасини жорий этиш масалаларига ижобий силжиш-

лар бўлайти. «Средазлектроапарат» бирлашмасида, электрон техника заводиди ишлаб чиқаришни ҳисоб-китоб қилиш ва бошқаришнинг автоматлашган системаси муваффақиятли жорий этилганди. «Средазлектроапарат» ишлаб чиқариш бирлашмаси оператив бошқарув бўйича иқтисодий эксперимент-да иштирок этиб, АСУП ёрдамида шартнома мажбуриятларининг бажариш ваифасини ҳал этмоқда. Бунинг натижасида ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган ҳаражатлар қамалмоқда.

Шаҳар комиссияси мажлисларида «Малика», «Учқун» бирлашмаларида ва Тошкент ўйнашмақаб фабрикасида ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш, ускуналарнинг сменили коэффицентини ва фондлар самардорлигини оширишнинг аҳоли муҳтомама қилинди.

Қабул қилинган тадбирлар натижасида «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасида тўқун ускуналарининг сменили коэффицентини 2,0 ни ташкил этди, қувватлардан фойдаланиш 99,5 процентга етди. Фондлар самардорлиги эса пландаги 3 сўму 66 тийин ўрнига 3 сўму 70 тийини ташкил этди. Энг яхши маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича олтига коёксак сифат потоғи ташкил этилди.

Ёқилди-энергетика ва хом ашё ресурсларини тежаш бўйича тадбирлар ишлаб чиқаришда Куйбисhev район корхоналарида катта ишлар амалга оширилди. Бунинг натижасида ўтган йили 16 минг гигакалория ёқилди қуввати, 5179 тонна шартли ёқилди, 83 тонна дизель ёқилди, 33 тонна бензин тежалди.

Собир Раҳимов районидagi иш самардорлиги ва сифатини ошириш бўйича комиссия ҳам

корхоналарини реконструкциялаш, техника жиҳатдан қайта қурулантириш, янги техникани ва илгор технологияни жорий этиш, кўп меҳнат талаб этидиган жараёнларни механизациялаштириш ва автоматлаштириш планларини амалга оширишда маълум ютуқларга эришди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика Министрлар Советининг XI беш йилликда республика ҳалқ хўжалигининг турли соҳаларида мингта автоматик манипулятор ва саноат роботлари жорий этиш тўғрисидаги қарорига биноан фан-техника тараққийининг бу муҳим йўналишини кучайтириш бўйича маълум ишлар қилинди. Жумладан, Тошкент шаҳри саноат корхоналарида роботлар, манипуляторлар ва технология жараёнларни бошқаришнинг автоматлашган системасини ишлаб чиқариш ва жорий этишнинг комплекс программаси яратилди.

Шаҳарнинг саноат имкониятларини янда ошириш бўйича вазифаларни бажаришга шаҳар комиссиясининг иш самардорлиги ва сифатини ошириш бўйича, иқтисод ва тежамкорлик бўйича, ҳалқ истеъмол буюмлари ва маҳсулот этиказиб бериш бўйича, саноатда маҳсулот сифатини яхшилаш бўйича стандартлаштириш ва фан ва техника ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этиш бўйича, ишлаб чиқаришни реконструкциялаш, техника жиҳатдан қурулантириш, роботтехникани ва автоматизацияни жорий этиш бўйича секциялар салмоқли хисса қўшишти.

Яна шунинг таъкидлаш кераки, Тошкент корхоналарида мавжуд резервлар ва имкониятлардан таллаб даражасида фойдаланилмайти. Янги техника жорий этиш, ускуналарни янгилаш, фан-техника тараққийи имкониятларидан фойдаланиш планлари ҳамон бажарилмай қолганди.

Капитал қурилишдаги иш-

лар қонираси. Шаҳар бўйича ўтган йили қурултирилган асосий фондларнинг ишга тушириш планини 74 процент бажарилди, натижада бир қатор ишлаб чиқариш қувватлари ишга туширилмай қолди. Капитал маблағларини ўзлаштириш 90 процентни ташкил этди. Бу 1983 йилда даражадан 7 процент кам. 130 минг квадрат метр турар жой фойдаланишга тоширилмади.

Бу ва бошқа фактлар шундан гувоҳлик бераптики, иш самардорлиги ва сифатини ошириш бўйича шаҳар комиссияси ишда ҳали фойдаланилмаган резервлар, нуқсонлар ва камчиликлар бор. Қабул қилинган тадбирларнинг бажарилишини назорат қилишни тақомиллаштириш лозим.

Мавжуд тежамкорлик резервлари шунинг кўрсаткичи, станок ва ускуналардан фойдаланишнинг ўндан бир процент кўтарилса қўшимча 250 миллион сўмликдан ортмиқ маҳсулот ишлаб чиқариш мумкин. Шунингдек, фондлар самардорлиги бир тийинга оширилса, маҳсулот ишлаб чиқариш йилгига ортади. Бу рақамлар шаҳар саноатда ҳали имкониятлар мавжудлигини кўрсатапти.

Тошкент шаҳар саноати ўн биринчи беш йилликнинг якуловчи йилгига қадам қўйиб, ўз резервлар ва имкониятларини ҳар томонлама қамалб қўриб, 1985 йил учун социалистик мажбуриятлар қабул қилди. Бу мажбуриятлар беш йиллик мажбуриятларнинг иқтисодий таъминлашга, жамоат ишлаб чиқаришга самардорлигини оширишга қаратилган.

Ўз навбатида иш самардорлиги ва сифатини ошириш бўйича шаҳар комиссияси 1985 йилнинг маъсулотили вазифаларини ҳал этиши керак. Ўн биринчи беш йилликнинг тўрт йилгига қўлга киритилган ижобий силжишлар мустаҳкамлаштириш ва қўлайлаштириш лозим.

Ишнинг шундай ташкил этиш кераки, токи бу йилги ва ўн биринчи беш йилликдаги иқтисодий-социал ривожланиш планларини муваффақиятли бажарилиши, шу асосда янги беш йилликнинг яхши бошлаш учун яхши замин яратилиши лозим.

Фан ва техника

янгиликлари РОБОТ-МАГИСТРАЛЬ ТАДҚИҚОТЧИСИ

Горловалик мутахассислар яратган робот фалати ишни бажариб, Унга буғ ва иссиқ сув, нефть ва газ юборилидиган қувурларнинг ҳолатини назорат этиб туриш ваифаси топирилди.

Шу пайтга қадар бундай назоратнинг биргина усули бор эди, ҳолос. Қувурнинг керакли жойи кесиб олинди, тадқиқ этиш учун лабораторияга юбориларди. Аварияларнинг олдини олиш учун бутун-бутун қувур участкаларини алмаштиришга тўғри келарди.

Янги қурилма магистральни бузмаган ҳолда унинг пухталик даражасини аниқлаб бера олади. У қувур ичида мустақил ҳаракат қилди, ҳар қандай бурлишлардан ҳам осонгина ўтиб кета олади. Бу орада махсус аппаратлар металнинг пишқилги, қаттиқлиги, юзюде даразлари ва пайвандланган чокларда қувурлар бор-йўқлигини иборат қўлгана параметрлар жиҳатидан тадқиқ этади.

Робот хусусиятлари Арманистон АЭСида текшириб қилинди. Қувурларни автомат тарзда текшириб чиқиш машина-ускуна бекор туриш вақтларини қисқартириб, бу ерда ярим миллион сўмдан кўпроқ пулни тежади.

Б. ГЕРЦЕНОВ,
ТАСС мухбири,
Донецк.

ТО ГАЗЕТХОНЛАР БИЛАН МУЛОҚОТ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленумида ҳаётимиздаги салбий ҳолатларга қарши кескин ўт очилди. Редакцияларнинг янги йил арасида оқшомхонларга тарқатган анкетасига ҳамон жавоблар келиб турибди. Уларда пленум қарорларида тилга олинган камчилик ва нуқсонларга барҳам беришга қаратилган, газетамизни янда рағ-баранг қилишга ёрдам берадиган тақлиф ва мулоҳазалар анчагина.

Қуйида газетхонларнинг анкетамизга йўлаган хатларидан намуналар билан танишасиз.

Биз, газетхонлар, редакцияга муҳим, айри ҳолларда жумбоқ масалаларни ҳал этишни сўраб мактуб йўллаймиз, сизларнинг ёрдамида унд умид қиламиз. Шунинг учун «Хатларга мутақаддир раҳбарлар жавоби сифатида берилаётган материалларнинг таъсирчанлигини янда ошириш мақсадага мувофиқ, деб йилма. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми қарорлари руҳига мос келадиган материаллар беришни илчил давом эттиришигини сўраймиз. Шунингдек, шаҳарни ободонлаштириш ва кўчаларнинг янги бўлиш билан боғлиқ бўлган тақидий материаллар кўпроқ бериб берилишини истаймиз.

М. ЗОХИДОВА.

Мен 1919 йилдан буй республика полиграфия корхоналари ва нашриётларида ишлаб келганман. Меннинг истагим Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми ҳақинда очиб ташлаган нуқсонларга барҳам беришга қаратилган тақидий материалларни янда кўпроқ ўқишдир. Масалан, шаҳарни ободонлаштириш борасидаги ишлар кишини ракинатида. Аркилар тозаланмайдиган, хиёбонлардаги дархат ва гул кўчалари яхши парварши қилинмайдиган. Не-не меҳнат билан ўқитилган ишқолар сугорилмасдан қуриб қолади. Чунинчи, метронинг «Собир Раҳимов» станцияси билан «Тошкент» автовокзални оралигинда майдонга ўтказилган кўчаларнинг яхши қилиб бўлиши керак. Марказий бозорнинг чап ёнидаги янги хиёбонда ҳам аҳвол ана шундай. Ахир, сув сепадиган машина ҳайдовчилари, хиёбонларга қарадиган кўча қоровуллари, ишчиларга нега талабчанлик кўрсатилмайдиган! Шулар ҳақида тез-тез материаллар бериб боришга ахши бўларди.

А. НИЗОМХОНОВ,
1928 йилдан буй КПСС аъзоси.

Ўз хизмат бурчига маъсуллик билан ёндашиш, интизом ва ушшоқликни кучайтириш, ўзаро талабчанликни ошириш тўғрисида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленумида муҳим вазифалар белгиланган эди. Бундан буйи газета саҳифаларида телефон тармоқлари ишидаги ва абонентларга хизмат кўрсатиш борасидаги жиҳдий нуқсонлар ҳақида тақидий материаллар ўқишни истаймиз.

Масалан, телефон орқали гаплашиб турганида бирдан сўзларнинг узлиб қолиши, ортқиқ сигналлар, ҳатто кўшиқ ёни қўйлар аштилиши, бошқа сўзбашлошларнинг овозин қўшииб кетиши ҳоллари тобора кўпайиб бормоқда. Энди абонентлар масаласини олиб қўрайлик. Нега телефон ҳақини ўз вақтида тўламаган абонентлар ҳақида тақидий материаллар беришга мулкчи эмас! Шаҳарларда телефон алоқаси ишида ҳам кўпгина камчиликлар бор. Чакиркувнинг телефон номерини счиётларда кўрсатмаслик кўпгина чалқашликларга сабаб бўлмоқда.

Ҳ. ПУЛТОВА,
пенсияонер,

Почталовларнинг ўз хизмат бурчига маъсуллик билан ёндашишлари ҳақида ҳам тез-тез материаллар бериб боришга. Чунки «Тошкент оқшоми газетасини биз тонгга газеталар билан бирга газетани чиққан кунинг эртасига соат 1.30—2 ларда оляймиз.

М. МАЖИДОВ, А. АБДУЛЛАЕВ,
пенсияонерлар.

Газета ранг-баранг, қизқичқил рубрикалар билан дом бойиб бормоқда. Янги йилда «Тошкент санъаткор» ёки «Санъаткор — «Оқшом» меҳмон» рубрикаси остида республикамизда, мамлакатимизда ва чет элларда мавжуд бўлган санъат намоёндалари — кино, театр артистлари, ҳонандалар, рақисалар ҳақида қизқичқил материаллар ўқишни истаймиз. Бу кўп сонли санъат мулкисларини мамну қилган бўлур эди.

М. СОДИҚОВ,
Тошкент халқ хўжалиги институти студенти.

Улуғ Ватан уруши ветеранлари ҳақидаги очерк ва лавҳалар бизни қизқитирибди. Шаҳардаги шифокорларнинг медицина соҳасида эришяётган ютуқлари ва бу борадаги баъзи камчиликлар ҳақида материаллар кўпроқ бериб боришга, ўстириб, воқеа этиказган оналар, илк бор қўлга калам туқазган ўқитувчи-устозлар, юракларга, касба меҳрини жойлаган мураббийлар ҳақида материаллар ўқиб бориш ниятидамиз.

Ҳ. ПУЛТОВА,
меҳнат ветерани, кўп болали она.

Газета саҳифаларида танқили композиторлар билан учрашини истаймиз.

А. ОТАЕВА,
Тошкент медицина билим юртининг 3-курс студенти.

Биз Тошкент райониди турамиз. Газетага мунозам обуна бўлишда бизга ҳам ёрдам кўрсатилса.

М. ФУЛОМОВА.



Шаҳримиздаги 2-автотур парки ҳайдовчиси Эргаш Азаматов намунали хизмати билан йўловчилар оқшомга сазовор бўляпти. Улар Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати этиб сайланганлиги бунинг далилидир. У ҳамшаҳарларимиз ишончини оқлаш учун янда самарали меҳнат қилишга иштияли.

СУРАТДА: илгор ҳайдовчи Э. Азаматов.

НОН-БЕБАҲО БОЙЛИГИМИЗ



«Нон-туз доим улуғвор неъмат, Бу неъматнинг замини меҳнат».

БУҒДОЙНИНГ МИНГ ХОСИЯТИ

Кафтларингда тўқ буғдойнинг кумушдай доми, Ени меҳринг чашмасида унган куртаклар. Бу мингларнинг насибаси, элу юрт номи, Бу тўқчилиқ, тўқчиликдан ёрқин дараклар. (Қўшиқдан).

Она табиат инсон учун яратган бебаҳо мўъжиза буғдой доидир. Бу табаррук дон Эрта Осимада беш минг йилдан буйи келиб келинмоқда.

Дон маҳсулотлари одамнинг асосий оқлатларидан бириндир. Позициянинг баландлиги ўттиз-қирқ сантиметр келадиган буғдойнинг тўқчи хили бизнинг ўлкамизда экилади. Унинг тарихий қисмида янгирига процент оқсил моддаси, етмиш беш процент углевод ва ёғ моддалари, бир неча витамин турлари мавжуд. Кузги буғдой баҳорги навиға қараганда совуққа ва қурғоқчиликка анча чидамли бўлади.

Экилган буғдой эринг ҳарорати +4+5 даража бўлгандагина унинг чиқиб, илдиз ва поляр хосил қилинади. Иккинчи шароитига қараб агротехника турлича олиб борилади. Буғдой доми 100—110 кунда пишиб етилади. Ўзбекистонимизда «Кизил буғдой», «Кизил Шарқ», «Красная звезда» навчлари кўп экилади. Бу навлар қурғоқчиликка чидамли ва қорқуқ касалликлари билан касалланмайд.

Қадимги замонда авал донни сувда янгиб, тўғридан-тўғри ҳолинга қилиб истеъмол қилиш одат бўлган. Одамлар кейинчалик тошдан ўйрча ясаб, донни майдалашни ўрганишти. Уни сувга қориб, жуذا азиз меҳмонлар учун тортиқ қилишган. Арбалар хамирини ошириш усулини ўйлаб топдилар. Ошган хамир қизган тошларга ёпилиб тановул қилинган. Бу усул аста-секин бошқа миллат ва элпатларга тарқалади, тақомиллашади.

2 ТОШКЕНТ
БЕ ОҚШОМИ

мой нони ва турли-туман булочкалар. Ўзбек пазандчилигида технология жараёни мукамаллашиб, ноннинг хиллари бениқо кўпайди. Ҳар бир хонадонда ўз эҳтиёжига ва хоҳишига қараб хоҳлаган нонни пишириш мумкин. Бундай тўқчилик, меҳмурликлар фақат бизнинг Ватанимиз — Советлар дийридагина барқарордир. Бунга жавобан ҳар бир инсон нонни улуғлаши шарт.

Юқорида айтганимиздек, нон оқсил, углеводлар, минерал моддалар, витаминлар манбаидир. Нонда ўрта хисобда 45 процент углевод бор. Масалан, бир кунда 500 грамм нон истеъмол қилиш билан организмнинг оқсилларга бўлган талабни учдан бир ҳиссага қоплаш мумкин. Шу билан бирга, танамизга фосфор, калий ва бошқа моддалар ўтади. Бу эса, инсонни тегизлаштирувчи бирдан-бир восита. Шунинг учун ҳам нон тез ҳазм бўлади.

Эрта баҳорда буғдойни қоронги жойда ундириб, ундан сумалек пишириш одатини қадимдан биламиз. Бу табаррук твом жуذا кўп меҳнат сарфлаш натижасидагина тайёр бўлади. Анкин илқиқ узилди, яъни витаминларга эҳтиёж ошган вақтда сумалекни истеъмол қилишдан мақсад организмда камайиб қолган моддалар ўрнини тезда тўлдиршидир.

Кейинги пайтда оширилган буғдойни хамирига турли шифобахш кўкатлар қўшиб нон тайёрлаш кең қўлланилмоқда. Бунинг кўп патир деб аталади. Хамирига ялғиз, отқулоқ, момақаймоқ каби фойдали кўкатлар майдалаб қўшилади. Бу хил патир нон иштаҳа ва кўнгли очувчи витамини нон ҳисобланади. Кунжутли ёки содалар нонлар асосан қиздирилган тандирларда пиширилгани маъқул. Тандир асалаётган вақтда олдидан янгиб қўйилган седана ёки кунжут дони нон устига сурилади. Ҳар ким ўз таъби-райига қараб хоҳлаган усулдан нон пишириши мумкин. Кўпчилик хонадонда нон қотиб қолди, — деб янгилини олишга шошилади. Ваҳоланки қаттиқ нонларни талқон қилиш мумкин. Шакар қўшиб истеъмол қилинадиган талқон зардобни қайновчи барча кишиларга даводир.

Дастурхонимизнинг кўрки, зийнати бўлган ноннинг бурдасини ҳам, ушонини ҳам эъзозлаш керак, чунки унинг хосияти жуذا кўп. Қарикларимизнинг кўпичина индонек азиз-у, бокамор бўлган рости бўлишига кўчидомо нондек азиз бўлаймиқ, — деган пурҳикма сўзларини эшитиб қолмайсиз. Дарҳақиқат иссиқ нонимиз бетаним изланишлар-у, уйқусиз тунлар, баракали меҳнат эвазига аждаҳда келади. Шу боисдан нонни исроф қилмай истеъмол қилиш, уни қадрлаш ҳаммамнинг бурчидир.

О. КАРИМОВА,
инженер-технолог.



ЖАННАТМАКОН ЎЛКА НЕЪМАТЛАРИ

Машҳур тарихчи Махмуд ибн Вали «Баҳр аш-шарқ» («Сирлар денгизи») асариди Тошкентте таъриф бериб, шундай ёзади: «Шош — Сайхун дарёсининг нариги томонида жойлашган бўлиб, Туркистонга қарайди, беларилардан бири саналади. Дони экинлардан буғдой, ҳурди, мева ва полза экинлари жуذا яхши-дир».

Об-ҳавоси яхши, қишлоқ ва шаҳарлари кўп. Хусусан, Шош Туркистон вилоятлари ичида энг улуғдир. У ерларда жаннатмакон кўп-роғлар, гулзорлар бўлиб, олпан саран-гун эса, Шошнинг дунё мўъжизаларидан бири саналади. Дони экинлардан буғдой ва гуручларни машин ҳурди, мева ва полза экинлари жуذا яхши-дир».

Ноннинг озиқлик қиммати жуذا катта: юз грамм нонда унинг сортига қараб 4,7 дан 8,4 витамингача оқсил, витаминнинг В группаси, турли минерал тузлар, балласт моддалар бўлади.

Ҳозирги пайтда одамлар нонни илгарига қараганда анча кам ейдиган бўлиб қолди. Чунки одамлар ҳаётни камҳаракатли билан ўтатишган бўлиб қолганидан улар энергияни ҳам кам сарфляптилар. Шунинг учун ортиқча

семирмаслик мақсадида яхшиши углеводларга бой юқори калорияли маҳсулотларни кам еиш лозим. Бундай маҳсулотлар қаторига нон, айниқса буғдой ундан тайёрланган нон кирди. 70 грамм нонда 40—45 процент ва бундан кўп углевод бўлади, ноннинг сортига қараб 180 дан 240 га қадар килокалорий қувват беради. Агар одам бир кунда фақат 500 грамм нон еса, организм 900 — 1200 килокалорий олади. Биз нондан ташқари ҳар кун сабзавотлар, мевалар, сўт-қатиқ маҳ-

дир. Ўзбек халқининг зарбадест тарихчиси шоҳидлик берганидек, қадимги Шош — Тошкент гузал шаҳар, тупроғи олтин, боғ-роғлари сермева, буғдойлари дурӯғахалардан ало бўлган экан. Бу, меҳнаткаш халқимизнинг қадимда ҳам аjoyиб дехқон ва соҳибкор бўлгандан делалат беради.

Ўзбек халқининг зарбадест тарихчиси шоҳидлик берганидек, қадимги Шош — Тошкент гузал шаҳар, тупроғи олтин, боғ-роғлари сермева, буғдойлари дурӯғахалардан ало бўлган экан. Бу, меҳнаткаш халқимизнинг қадимда ҳам аjoyиб дехқон ва соҳибкор бўлгандан делалат беради.

Ф. ГАФУРОВ.

ЎЗ КАСБИНИНГ УСТАЛАРИ

Бир кунда 700 — 730 тонна ундан нон ёпилади. Бу иссиқ нонлар шаҳримиздаги Акмал Иброҳимов, Чилонзор, Собир Раҳимов, Киров районларидаги нон маъзаинларига тарқатилади.

Бу ерда ўз касбининг устаси бўлган Озод Мирзақариева каби моҳир новоявлар ишлашади. У бир неча бор шаҳар Советига депутатликка сайланган. Унинг қаторида О. Қосимова, И. Носирбоева, М. Фуломов, Н. Тўйчиева, М. Қожиқамедов, М. Муслимов каби кўп гул новоявлар ёнма-ён туриб меҳнат қилишади. Бу новоявлар ёлбатган нон маҳсулотлари сифати билан фарқ қилади.

Қадим-қадимдан нонга ҳурматсизлик қаттиқ қораланган. Шунинг учун халқимиз «ноннинг увоғи ҳам нон, деб бежиз айтмаган. Шундай экан, уни қадрлаш ва эъзозлаш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиз бўлиши лозим.

Қ. ИСОҚОВ.

Билиб қўйган яхши

тортилган буғдой ундан тайёрланган, ёки кепак қўшилган нондан, семирив кетган одамлар кунига 50 — 100 грамм еишлари мумкин, чунки бундай нонларда ичак ишиини яхшилайдиган балласт моддалар бўлади, лади.

Ҳозир нонвойхоналарда беморларга мўлжалланган парҳез нонлар ҳам тайёрланмоқда.

М. ОРИФЖОНОВА
тайёрлаган.

XX АСР ОВОЗИ

Махмуд ДАРВИШ
(Фаластин).

Эзинг кўзларингга қараб:
Миллатим — араб,
Дафтар титқиламанг —
такрор-такрор —
Эзлик мингичман,
Саккиз болам бор,
Езда тўққизинчи кўшилар
оқламизга.

Нима, ёқмадими сизга?
Эзинг кўзларингга қараб:
Миллатим — араб,
Хунарим тоштарош,
Тош йўнаман, тош,
Саккиз болам очликдан
бўлмасин деб хароб
Ишлаб нон топаман,
оламан китоб,
Гадоиллик қилмадим ҳеч қачон,
Бир чора топаман рўзгоринизга,
Нима, ёқмадими сизга?
Эзинг кўзларингга қараб:
Миллатим — араб,
Сиз билмайсиз меннинг
номеримни.

● Махмуд Дарвиш — прогрессив фаластин шоири. У ўз халқи овозиди ва курашининг тарбиявийларар кўчиси сифатида танилган. Китоблари ўнлаб хорижий мамлакатларда нашр этилган.


ОЗОДАК КУЙЧИСИ

Атоқли турк шоири Фозил Хусни Доғларжа шеърлари шаклан ўзига хос, у ҳар бир шеърда халқ ҳаётининг бир парчасини, муҳим бир инжигини маънавий яратди. Шоир синфий тенгсизлигини, ишқислигини қоралади, ҳурриятни, ҳақиқатни, курашчиларни куйлайди. Доғларжа ўнлаб китоблар муаллифи, унинг ижоди ватанда ҳам, халқ-аро миқёсда ҳам бир неча мукофотлар билан тақдирланган.

Фозил Хусни ДОҒЛАРЖА.
(Туркия).

Тун қоронғиликни
Нурга айлантирар,
Сув чулни чаманга,
Гулга айлантирар,
Қўл тилсиз қаламни
Сўзга айлантирар,
Фалак тафаккурни

Ерга айлантирар,
Шамол қояларни
Фанга айлантирар,
Булбул сукунатини
Кўшиқча айлантирар,
Ингит қўлини
Хурликка айлантирар.



Тувалик ёзувчи Қизил-Эзлик Қирғизович Қудажин (суратда) — кўпгина роман, қисса ва пьесаларнинг муаллифидир. Унинг «Бўйсунмас Улуг» — «Хем» романи Москвадаги «Современник» нашриётида чоп этилди. Айни пайтда ана шу роман Бутуниттифоқ қитобхона томонидан катта қизиқиш билан ўқилмоқда.

Тасс фотохроникеси.

ЭДИК

(ХИКОЯ)

Катта йўл тепалик орасига бурилган жойда Эдик бир дақиқа тўхтаб атрофга назар солди. Тоғ ости келаяпти. Шарқ уфқи эндигина кўтаришган кўш нуралида товланар, аммо водийдаги ўрмон ичинга ҳали қуёқ соялар тарқ етмаган. Деҳқон ҳовилларидан эҳроزلар қичқиргани эшитилди. Қарандандир ўроқ овози келди, лекин унинг ўзи кўринмади.

Катта йўлдан ҳовур кўтарилади. Елкаларига кичкинагина халта осиб олган йўловчилар ёлғиз ва тўда-тўда бўлишиб келардилар. Улар шимолий-шарққа кечаси билан аравалар, юк машиналар колонналари ўтган, томонга қараб боришарди.

Эдик онаси билан тун бўйи тинмай юрди. Икки мартаба ўрмон тарафдан уларни ўққа тутишди. Улар йўл четидида чуқурликка яшириниб, отишма тугаганидан кейингина йўлда давом этдилар. Эдик тезроқ юрай деса, онаси етолмай қолади. Аёл, соғин, озиқ-овқат солинган кичкина тугунини навбатма-навбат кўтаришиб борардилар. Эдик онасининг юзи бўзариб кетганини эндигина пайқайди. Бу йўлдаги чанг-тўзондан бўлса керак, ўзининг ҳам тишлари орасида қум жижирлаётди.

— Ой... Дарё бўйида тўхтаб, нонушта қилиб олайлик.

— Хўп, ўғлим, — жавоб қилди онаси, унинг овозидан заифлик чарқочданми ёки қайғуданми, тушуниш қийин эди. У дамгини нигоҳ билан ўғлига бошдан-оёқ разм солиб, лешонасига меҳнатда қотан қўлини қўйди.

Йўлда давом этдилар. Кичкина дарё олдига тўхташиб, юз-қўлири, бўйинларидидаги чангларни ювдилар. Дарахт бўйи кўтаришган оёқ кўеши қиздира бошлади. Улар бутта соясига ўтиришди. Онаси озиқ солинган тугунини ечди, унда ярим-икки қора нон, тўртта пиширилган тухум бор эди, холос.

— Ол ўғлим, — деди онаси ўзи ноннинг четидан бир бурда синдири ушатиб ёи бошлади. У худди ҳохламаётгандек секин, узоқ чай-варди. Эдик иккита тухумни тоза-тоза, унинг биттасини онасининг қафтига зўрлаб тутқаэди.

— Сиз ҳам олинг. Кеча ҳам ҳеч нарса емадингиз.

— Егим келмапти, ўғлим.

— Йўқ, ейишингиз керак, бўлмас юрмалга қолсанг.

Онаси бор озиқ-овқатни унинг учун эҳтиёт қилаётганлигини Эдик тушунарди. У ҳам оч эди, лекин онаси ҳеч нима емаётганда, томонидан оҳанг ўтармади.

Онаси сўзига қирмагунча қистайверди... Қўлидаги нон бўлагини ютоқиб ер экан, Эдик дарёнинг сояни оқимида қараб хаёлга толди: отаси — Даугава лангарини ҳақида эсланганда дарди янада ошди. Отаси унга эшакка эшитини ўргатар, ўзи билан бирга балиқ овига олиб борарди. Эдик биринчи марта бир ўзи Даугаванинг нариги қирғоғига сузиб бориб, қайтиб келганда қанчалар қувонган эди-я. Энди отаси йўқ, Урушининг биринчи кунларидеяқ у қирувчлар олдига қўшилди, темир йўллари, алдоқа воситаларини ишдан чиқариш мақсадида ташланаётган фашист-диверсантларини қўлга тушириш учун жунади. У ўртоқлари билан қўлаб диверсант гуруҳларини йўқ қилди. Бир кун уни уйга оғир араланган ҳолда олиб келишди. У тун бўйи қон қусиб чиқди. Эртасига отасини уй орасидаги боққа қўмдилар. Шундан сўнг Эдик ва онасининг жўнашига тўғри келди.

Эдик нон бўлагининг ярминини қайтариб халтага солиб қўйди. Катта йўлда тўсатдан бошланган қонланши, унинг мудроқ аралаш сураётган хаёлларини қувиб юборди. Осовишга кетаётган одамлар бирдан тала-тўп бўлиб югуришиб, қўрқув аралаш қичқира бошладилар. Базилар йўл бўйидаги чуқурларга ўзларини отдилар, бошқалар оқиқ даладан югуриб, қалин ўрмон ичига кириб олишга шошилдилар. Лекин ўрмонга бир чақиримча бор эди. Болали аёллар йўл бўйида турган бионинг кўнраг деворлари тағига қисилди. Велосипед минган икки ёш йигит тезда кўприқдан ўтиб, ўрмонга кириш ниётида ошиқарди.

Ҳавода шовқин турди. Учта немис самолёти бостириб келарди. Улар шувчаллик паст учганидан ҳатто кабинадаги учувчиларнинг юзини ҳам кўриш мумкин эди. Самолётлардан бири йўл устидаги телеграф ёғочидан сал баланликда учиб келар, иккитаси йўлнинг икки чети бўйлаб учарди. Эдик са-

Буюк Ғалабанин 40 йиллиги

Роберт РОЖДЕСТВЕНСКИЙ,
СССР Давлат мукофоти лауреати.

УРУШ

(ПОЭМАДАН ПАРЧА)

Билим юрти,
Одам бўйи билан баробар кийим,
Тоғ-сахардан отишма,
Саф тортишлар— барчаси бекор...
Ярим йиллик
шомилич курс талабалари,
Еқаларда бир жуфтдан чор киррали
нишон...!

Бепойи Россия бўйлаб, борар эшелон,
Борар урушга
оппоқ пириллаб қолаётган
қайинзор аро.

«Биз тор-мор этамиз уларни!»
«Биз энгамиз уларни!»
«Кўрсатамиз уларга!» —
гуллар паровоз...
Новгород вечаесек гажум
бекатлар
Одамларнинг гам-гуссаси
кўпирган дунё,
Борар эшелон,
Уларга дуч келар фақат,
Фақат санитар — поездларини...
Томоқдан ўтмайди
иссиқ бўтқа ҳам.

Ярим кеча — ўқланган милтиқдек ўқталар...
«Биз тор-мор этамиз уларни!»
— Кўрсатамиз уларга!»
пичирлар лейтенант.

У
елвизак елиб турган
сервошинг тамбурда
чайқалганча,
бораркан

улғайди шу йўлда.
Бу — бола—
озин бўйин, шалпанг қулоқлар...
Фақат мударб тушидагина
ишғол этар у—
Тутулар ўраган ёғоч ётқичини,
Бу фарсат унутади бор-йўнин.
У жилмарди.
Тушларига кирар
нимадир мовий

Осмонни,
балки у
дегизг тўлиқини...

«Танқар!»
Ва шу он янграйди
кўнгиб безган қичқирик:
«Жанг-га-а...»

Улар шундай учрашдилар:
У ва Уруш...
...Борлик тўлди
гўмбурлаган,
гуллаган овозларга.
Тинчлик дарз кетди,
бўлди қиёмат...

Бу, унга, гўёки
хатодек туюлди,
Туюлди даҳшатли,
саробдек...
мудқш

Утқичини эмасди бу сароб:
Танк ортидан
кўприк ёнида
Купранг мундирли гавдалар,
чанга беланиб,

1 Лейтенантлик белгиси.
2 Қадимги рус шаҳарларида: олий ҳокимият органи бўлган жамоат мажлиси.

● Роберт Рождественский — Таниқли совет шоири — юксак гражданилик пафоси билан йўғрилган шеър ва достонлари орқали Бутуниттифоқ ўқувчисига яхши таниш. Унинг «Шаҳар овози» номли тўплами СССР Давлат мукофотида сазовор бўлган. Шоирнинг шеърлари мамлакатимиздан ташқари кўпгина хорижий республикаларда ҳам шухрат қозонган.



Ленин орденли Ҳамза номдаги Ўзбекистон Давлат академик театри кўлаб етук асарлар билан меҳнаткашларини баҳраманд қилиб келаяпти. Кейинги вақтда театрининг ижодий коллективини бир қатор янги саҳна асарларини томошбинларга тақдим этишди. Янгида санъаткорлар томонидан саҳналаштирилган таниқли ўзбек адаби Учкун Назаровнинг «Ойна» драматси...

БАҲОР ЮМУШЛАРИ

ҚИЗГИН ПАЛЛА

Март — баҳор фаслининг биричи ойи. Бу ой ёш табиатшунослар, соҳибкорлар ва сабзавоткорлар учун қизгин иш палласи ҳисобланади. Бу даврда эртаги экинлар учун жой ҳозирлаш, совуққа чидамли сабзавот экинларини экишга киришни лозим.

Бу йилги об-ҳаво бизнинг шароитимизга хос бўлади. Республикада ўтган йилнинг ноябрда бошланган совуқ кунлар то февраль охиригача давом этди. Бу эртаги сабзавот ва картошкани ўз вақтида экишга имкон берилади.

Хўш, бу йилги шароитда шаҳарлик сабзавоткор ва соҳибкорлар нималарга эътибор беришлари керак? Энг аввало экишга тайёргарлик ишларини сифатли ва гоил қисқа муддатларда амалга ошириш лозим.

Март — кўчат экинларини ёпишга сепиш учун энг қулай давр ҳисобланади. Бу экинлар жумлага редиска, несалоқ, укроп, кашнич, петрушка ва бошқа кўчатлар кирди. Бу дармондорни ўсимликлар жуда эрта ва тез етилиши билан бошқа сабзавотлардан фарқи қилади. Кўчат экинлари агротехника кесиб бир-бирига ўхшашди. Ҳар 10 квадрат метр жойга 10—12 грамм редиска, 15—20 грамм кашнич, 40 грамм несалоқ уруғи сепади. Уруғлар 1—2 сантиметр чуқурликка қўмилгандан сўнг пушта устига чиринган гўнг солина эри қатқалоқ босмайди ва уруғ тез униб чиқади.

Март ойида болгон-соҳибкорларнинг ҳам ишлари кўпайди. Бу ой тоқ ва меза дарахтлари кўчатлари ўтказиш учун энг қулай муддат ҳисобланади. Мевали кўчатлар ўтказиш учун аввало 80—100 сантиметр кенликда ва 60—70 сантиметр чуқурликда ўра қазлади. Кўчат ўтказишдан олдин тайёрланган ўрага бир олақ чиринди, 100 граммдан аммиак селитраси ва суперфосфат солиниб ихтишлас тушириб, аралаштирилади. Кўчат ўтказилганда кейин дарҳол бирич қаватдаги шохлар яримга қадар ёки учдан бири қолдириб қирқилади. Тинка ёсувчи асосий...

Ток кўчатларини ўтказиш учун эса 50 сантиметр кенликда ва 70 сантиметр чуқурликда жой тайёрлаб илди системаси яхши ривожланган бир йиллик навларини ўтказиш мақсадга мувофиқ. Ҳосил берувчи болғарни парвариш қилиш, да мевали дарахтларини буташ муҳим агротехника усуллардан бири ҳисобланади. Шохларни қирқиб йўли билан мевали дарахтларга шакл берилади. Шохларнинг пастга қараб ўсишини камайитириш, ҳаво ва ёруғлик ўтиши учун кўчатлар шохларини яратиб йўли билан дарахтларнинг ўсиши ва меза беришини маълум меъёрга келтириш мумкин. Ўсимликларини соғломлаштириш мақсадида шикастланган ва касалланган, кўриб бошлаган дарахт илдиз билан қўприқ олиб ташланади. Синган ва касалланган шохларни кесиб ташланади. Кесилган жойлар қайнатил тайёрланган махсус эритма ёки бўёқ билан бўйб қўйилади.

Март ойида мевали болғардаги тупроқни 20—25 сантиметр чуқурликда ағдариб юмшатишни ҳам унутмаслик керак. Худди шу ойда қўмилган тоқлар очилиб, новдаларни қуртақ эмасдан симбагааларга бойлаш, сўнгга тоқорларни ўғитлаш керак. Бунда ҳар бир квадрат метр ерга 35 грамм аммиак селитраси ёки 60 грамм сульфат аммоний, 50 грамм суперфосфат ва 10 грамм калий ўғити солинади. Ҳар 2—3 йилда бир марта ҳар бир квадрат метр ерга 3—5 килограмм ҳисобида гўнг солиш керак.

Имкониятни бор жойларда томоққа ҳужалиқларини ривожлантириш, боғ ва тоқорларни қўлайлигида юқорида баён этилган агротехника тадбирларидан фойдаланиш мумкин.

А. УМАРОВ,
қиллоқ ҳужалиқи фанлари кандидати.

Вилис ЛАЦИС,
Латвия ССР.

Катта йўл тепалик орасига бурилган жойда Эдик бир дақиқа тўхтаб атрофга назар солди. Тоғ ости келаяпти. Шарқ уфқи эндигина кўтаришган кўш нуралида товланар, аммо водийдаги ўрмон ичинга ҳали қуёқ соялар тарқ етмаган. Деҳқон ҳовилларидан эҳроزلар қичқиргани эшитилди. Қарандандир ўроқ овози келди, лекин унинг ўзи кўринмади.

Катта йўлдан ҳовур кўтарилади. Елкаларига кичкинагина халта осиб олган йўловчилар ёлғиз ва тўда-тўда бўлишиб келардилар. Улар шимолий-шарққа кечаси билан аравалар, юк машиналар колонналари ўтган, томонга қараб боришарди.

Эдик онаси билан тун бўйи тинмай юрди. Икки мартаба ўрмон тарафдан уларни ўққа тутишди. Улар йўл четидида чуқурликка яшириниб, отишма тугаганидан кейингина йўлда давом этдилар. Эдик тезроқ юрай деса, онаси етолмай қолади. Аёл, соғин, озиқ-овқат солинган кичкина тугунини навбатма-навбат кўтаришиб борардилар. Эдик онасининг юзи бўзариб кетганини эндигина пайқайди. Бу йўлдаги чанг-тўзондан бўлса керак, ўзининг ҳам тишлари орасида қум жижирлаётди.

— Ой... Дарё бўйида тўхтаб, нонушта қилиб олайлик.

— Хўп, ўғлим, — жавоб қилди онаси, унинг овозидан заифлик чарқочданми ёки қайғуданми, тушуниш қийин эди. У дамгини нигоҳ билан ўғлига бошдан-оёқ разм солиб, лешонасига меҳнатда қотан қўлини қўйди.

Йўлда давом этдилар. Кичкина дарё олдига тўхташиб, юз-қўлири, бўйинларидидаги чангларни ювдилар. Дарахт бўйи кўтаришган оёқ кўеши қиздира бошлади. Улар бутта соясига ўтиришди. Онаси озиқ солинган тугунини ечди, унда ярим-икки қора нон, тўртта пиширилган тухум бор эди, холос.

— Ол ўғлим, — деди онаси ўзи ноннинг четидан бир бурда синдири ушатиб ёи бошлади. У худди ҳохламаётгандек секин, узоқ чай-

Акутагава РЮНОСКЭ

(Япония).

ЁЗУВЧИЛИК ҲАҚИДА

Шуни билиб қўйиш керакки, адабиётнинг барча жанрлари ичиде проза бадийлиги энг кам жанр. Ҳақиқий адабиёт бу — фақат поэзиядир. Проза адабиётда фақат замирда поэзия борлиги туйғули диктант тартида. Демак, тарихий ва биографик асарлар ҳам проза махсулидир.

Ижод қилиш учун иштиёқ зарур. Ихом иштиёқини сайитрмаслик учун эса соломатлик керак. Ўз соғлиги ҳақида қайғурманг ёзувчи ҳеч қанча бадий барқомол асарлар ярато олмайд.

Ҳар бир ёзувчиға дуррадорнинг орияти йўлдош. Бу нарсани эса ҳеч аёиб йўқ. Ҳар бир дуррадорға ёзувчининг орияти йўлдош.

Бадий асарларда тил луғатда ўзи махрум бўлган гўзалликка эга бўлмоғи лозим.

Менинг энг яхши кўрган асарларим, бадий асарларим назарда тутяман, бу ҳақиқий инсоний туйғулар билан ёзилган асарлардир.

Бадий заиф асарлар, ҳажми қанчалик бўлмасин, деразасиз уйларга ўхшайди.

● Акутагава Рюноске — буюк япон ёзувчиси, асарлари кўлаб жажон тилларига таржима қилинган, ҳазирги замон япон адабиётининг асосчиси.

Эдик ўтирган жойнинг тўғрисиға юк машинаси келиб тўхтади. Қизил аскарлар болани машинага чиқаришга ундадилар. У болани нимирлапти, йўқ деганча, жойида қолаверди. Ёшдан қочқорлар оқими тинмай ўтиб турарди. Кеч бўлди. Қисқа ёш тун ҳам ўтди. Эдик ҳамон онасининг жасади ёнида унинг жонсиз совуқ қўлларини ушлаганча ўтирарди.

Тоғ отидаги йўлнинг нариги томонидан қочқорлар оқимида қарам-қарши келаятган белта киши кўринди. Уларнинг кийимлари остига қуруллар яширинган, камарларига қўл граваталари осланди. Улар боланинг олдига келишди.

— Сенга нима бўлди? Бу ерда нима қилисан, ўғлим?

Эдик болни билан онаси томонга ишора қилди.

— Онаним ўлдиришди... Осмондан отишди. — Унинг томонига нимадир тиқилиб қолгандек бўлди, у болани асабий силқитиб, ўзини йиғидан зўрга тутиб турарди.

— Сен Ян Карклайнинг ўғли эмасмисан? — сўради улардан бири.

Эдик унинг юзига қараб, отасининг дўсти, ёш Калейни таниди.

— Онаним кўнмиш керак, — деди Эдик.

— Албатта қўмағиз, — жавоб берди Калей.

Улар қотиллар ўқи онанинг ҳаётини узган жойдан йиғирма қадамча наридаги тепадан қабр қазидилар. Эдик юмшоқ, хушбўй ўтлардан йиғиб келиб чўчиқ тағига тўшади. Жасади кўнмишга, у қабр устига дала гулларидан гулдаста ясаб қўйди.

Эдик катталарнинг гапидан бешаласи ҳам Даугава қирғоқларига қайтиб, ўрмонда яшамоқчи ва Эдикдан онасини, отасини, болалигини, қадрон ерларини тортиб олган боққичиларга, сотқиларга қилиб қурашмоқчи эканлигини билиб олди.

— Мени ҳам бирга олиб кетинглар, — ялинди у. Ешим ўн иккида. Сизларга фойдам тегади. Граната ташлашни, отиши ўрганаман, разведкага бораман, Энди ҳеч нарсдан қўрқмайман.

Эркалар иккиланиб қолди. Аммо ёш Калей Эдикнинг отаси ҳақида гапириб бергандан сўнг рози бўлишди.

Кетаётди, Эдик бу ерни хотирашда абадий сақлаш учун онасини қабрига узоқ, гамгин нигоҳ билан тикилди. То янги қабр тепачаси қўздан йўқолгунча, ҳажон билан қараб-қараб нетди. Ҳамроҳлари буни семаганга олиб жим боришарди. Улар жанубга, қадрдон Даугава томонга Эдикнинг онаси учун, душман оёқлари остида эзилган кўлаб ўғил-қизлар учун қасб олишга борадилар.

Русчадан
АДҲАМБЕК АЛИМБЕКОВ
таржимаси.



Ташкентда ўтказилаётган халқаро турнир биз учун жуда муҳим. Май ойида УЕФА штаб-квартирасида ўтказилган кўра ташлашдан сўнг умумевропа турниридаги рақибимиз маълум бўлади. Бу саралаш турнири келгуси йили ўтказилади. Голландия учун 16 ёшли футболчилар бешлашди. Туринчи апрель кунини Франциядаги Монтего шаҳрида Англия, Бразилия, Голландия, Швеция, Франция ва СССР терма командалари иштирокида турнир ўтказилади. Шу баҳслардеги иштирокимизга қараб, имкониятларимизни белгилаб оламиз.

Ун йилдан буён мамлакатимиз ўсимлар терма командасига устозлик қилиб келмоқда. Тажрибадан келиб чиқиб айтишим мумкинки, футболимизнинг келажакини худди шу ёшдаги ўсимлар белгилайди. Футбол мухлислари Ташкент ва Тошкент областидаги майдонларда бўлажак футбол олдзуларини кўриш умидадилар. Назаримде ҳозирги катнашчиларнинг орасида ҳам бир неча йилдан кейин асосий терма команда составидан жой оладиган умидли ёшлар бор.

П. ФОЗИЛОВ.

Редактор
Ш.О.УБАЙДУЛЛАЕВ.

3 ТОШКЕНТ
БЕТ ОҚШОМШ

5 МАРТ, 1985 й.

